



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

„ 26 „ April 20 21 y

Yaypan shahri 296 sonli

Ўзбекистон тумани Кулибек маҳалла фуқаролар йиғини Янги-Яйпан кўчаси ҳудудидан “YAUPAN QURILISH INVEST” маъсулияти чекланган жамиятига янгиланган намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга онд қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6,23-моддаларига асосан, шунингдек туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1.Туман ҳокимлигининг “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг туманнинг Кулибек МФЙ Янги-Яйпан кўчаси ҳудудидан “YAUPAN QURILISH INVEST” МЧЖга 2021-йилда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон тумани “Бўстон” номли ММТП қаршли Кулибек МФЙ Янги-Яйпан кўчаси ҳудудида жойлашган кишлоқ хўжалиги харитасининг 7к-контурдаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган, туман захирасидаги ер майдонидан “YAUPAN QURILISH INVEST” маъсулияти чекланган жамиятига 2021 йилда 1 дона кўп қаватли уй-жойлар учун 0,03 га, атрофини ободонлаштириш учун 0,04 га жами 0,07 га ер майдони танлансин ва ажратилсин.

3. “YAUPAN QURILISH INVEST” МЧЖ раҳбари М.Бузрукхонов зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини лойиҳалаш учун Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик Кодекси”нинг 27-моддасига биноан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олишлик ва ушбу Кодекснинг 39-моддаларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекцияни объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

4.Объект қурилишини лойиҳа асосида амалга ошириш ҳамда қурилиш устидан техник назоратни ташкил этиш “YAUPAN QURILISH INVEST” МЧЖ раҳбари М.Бузрукхонов зиммасига юклатилсин.

5.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ш.Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими :



Ш.Юлдашев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли Фармонига асосан 2021-йилда “YAYPAN QURILISH INVEST” МЧЖга Ўзбекистон тумани Қудибек МФЙ Янги-Яйпан кўчаси худудидан намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш ҳақида туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг

ДАЛОЛАТНОМАСИ

апрель 2021 йил

Хайдаробод қишлоғи.

Бизлар ким, қуйида имзо чекувчилар туман ҳокимининг 2016 йил 22 апрелдаги 39-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш бўйича доимий ҳаракатдаги комиссияси:

- Ш.Юлдашев - Туман ҳокими, комиссия раиси
Ш.Исмоилов - Туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари
А.Ражабов - Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи, комиссия, котиби

Аъзолари:

- Ш.Эшонқулов - Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари
О.Вахобов - Туман қурилиш бўлими бошлиғи
А.Сулаймонов - Туман Санитария Эпидемиологик Осойишталик маркази бош врач
Э.Рахимов - “Худудгаз Фарғона” МЧЖ Ўзбекистон тумани филиали бошлиғи
Ғ.Хамрақулов - Ўзбекистон тумани экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи
Ж.Мелиев - Туман Электр таъминоти идораси бошлиғи.
Д.Раҳмонов - Туман фовкулотда вазиятлар бўлинмаси бошлиғи
Х.Турсунов - Туман ЙФУК бошлиғи
М.Мирзараҳимов - Вилоят сув-оқава ДУК Ўзбекистон тумани филиали бошлиғи.
О.Жамолов - Қулибек маҳалла фуқаролар йиғини раиси
М.Бузрукхонов - “YAYPAN QURILISH INVEST” МЧЖ раҳбари

иштирокида тузамиз ушбу далолатномани шу ҳақдаки, шу куни жойига чиқиб, “YAYPAN QURILISH INVEST” МЧЖ раҳбари М.Бузрукхоновнинг туман ҳокими номига ёзган мурожатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон тумани “Бўстон” номли ММТП қарашли Қулибек МФЙ Янги-Яйпан кўчаси худудида жойлашган қишлоқ хўжалиги харитасининг 7к-контурдаги 0,07 га қишлоқ хўжалигида ва ўрмон хўжалигини юритиш учун мўлжалланмаган аҳоли пунктлари тоифасидаги, туман захирасида бўлган ер майдонидан “YAYPAN QURILISH INVEST” МЧЖга 2021 йилда 1 дона кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун 0,03 га, атрофини ободонлаштириш учун 0,04 га жами 0,07 га ер майдони танлаш ва ажратиш ишларини бажардик.

Кўп қаватли намунавий Уй-жойлар қурилиши учун танланган
ва ажратилган ер майдони чегаралари куйидагича:

Шимолдан - Бўш ер майдони.
Шарқдан - Бўш ер майдони.
Жанубдан - Бўш ер майдони.
Ғарбдан - нуъмунавий уй-жой.

Ажратилган ер майдони архитектура, ёнғиндан сақлаш, санитария ва табиатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб беради.

Туман ҳокими, комиссия раиси _____ Ш.Юлдашев

Туман хокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари _____ Ш.Исмоилов

Туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи, комиссия котиби _____ А.Ражабов

Туман хокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўринбосари _____ Ш.Эшонқулов

Туман қурилиш бўлими бошлиғи _____ О.Вахобов

Туман Санитария Эпидемиологик Осойишталик маркази бош врач _____ А.Сулаймонов

“Худудгаз Фарғона” МЧЖ Ўзбекистон тумани филиали бошлиғи _____ Э.Рахимов

Ўзбекистон тумани экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи _____ Ғ.Хамрақулов

Туман Электр тармоқлари идораси бошлиғи _____ Ж.Мелиев

Туман фовқулотда вазиятлар бўлинмаси бошлиғи _____ Д.Рахмонов

Туман Й.Ф.У.К.. бошлиғи _____ Х.Турсунов

Вилоят сув-оқава ДУК Ўзбекистон туман филиали бошлиғи _____ М.Мирзарахимов

Мингтут маҳалла фуқаролар йиғини раиси _____ О.Жамолов

“YAUPAN QURILISH INVEST” МЧЖ раҳбари _____ М.Бузрукхонов